



2013 йил 10 октябрь, пайшанба, 41 (517)-сон

# XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чида бошлаган. e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayt: www.2tasr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги

3 ДАВЛАТ ДАСТУРИ



Янгиариқда O'zLiDeP ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда

5 ҚҲЙИ БҲҒИНЛАРДА



Глобал исиш қайталанади... ми?

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ЁШЛАР УЧУН ИШ ҲРИНЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида етук ва салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, ёшларни эгаллаган касби бўйича иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Навоий вилоятида ҳам бу борда муайян ишлар амалга ошириляётир.

Жорий йилда вилоятда 13 миңг 700 нафардан зиёд коллеж битирувчисининг бандлиги таъминлашди. Бу борда, айниқса, йирик саноат корхоналари — Навоий конметаллургия комбинати, «Навоийазот» ҳамда Навоий иссиқлик электр станцияси очик акциядорлик жамиятларининг ҳиссаси катта бўлмақда. Хусусан, «Навоийазот» очик акциядорлик жамияти 300 нафардан ортик битирувчинини ишга қабул қилди.

— Навоий техника-иктисодиёт касб-ҳунар коллежини битириб, «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятида лаборант вазифасида иш бошладим, — дейди Лобар Одилова. — Коллежда қимвий ишлаб чиқариш технологияси йўналишини бўйича тахсил олиб, ўқув амалиётини шу ерда ўтаганим. Эңилликда ўзим орзу қилган замонавий корхонада меҳнат қилаётганимдан хурсандман. Бу ерда биз, ёшларнинг самарали меҳнат қилишимиз учун барча шароитлар яратилган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истеган битирувчилар истиқболли бизнес лойиҳаларини ҳаётга жорий этишда тижорат банкларининг имтиёзли кредитларидан умумий фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятда ўтган давр мобайнида ёш тадбиркорларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 7846,3 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

# Хусусий секторнинг ижтимоий масъулияти

бандлик масаласини ҳал этишнинг энг асосий омилдир

O'zLiDeP фракцияси аъзолари 2013 йилнинг биринчи ярмида 554,4 миңгта иш ўрни ташкил этилгани ҳолда унинг 209,5 миңгтаси тадбиркорлик субъектлари хиссасига тўғри келганини таъкидлаб, бу жараёнда хусусий сектор вакиллари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш партия зиммасидаги асосий вазифа эканини қайд этмоқдалар.

Олий Мажлис Коңунчилик палатасида уюштирилган Парламент эштинувида O'zLiDePдан сайланган депутатлар ана шундай фикр билдирдилар. «Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг 2013 йил биринчи ярмидаги ижроси доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича

ишга жойлаштириш ҳолати ва унинг самарасини ошириш истиқболлари тўғрисида»ги масала юзасидан меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилини вазири Ақтам Хантовнинг ҳисоботида таъкидланганидек, йил охиригача 970 миңгдан ортик иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.



3 >>

Солмак 30MP олган сувайт

**Швейцариянинг «Rieter» компанияси ҳамда «Асака» банк сармоялари ҳисобига ташкил этилган «UZTEX Tashkent» ип-йиғирув фабрикаси тараққиёт сари шахдам одим ташламоқда. Корхона йилга 6000 тонна йиғирилган ип ишлаб чиқариш қувватига эгадир. Энг муҳими, унинг махсулотлари жаҳон стандартларига тўла жавоб беради.**

Ҳозирда корхона замонавий тўқимачилик ускуналари, сифатни назорат қилувчи энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган. 2011 йилда «UZTEX Tashkent» компанияси МДҲ ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилар қаторида йиғирилган ип сифати бўйича халқаро даражада юқори баҳога сазовор бўлди. Қолаверса Швейцариянинг нуфузли «Usterized» ташкилоти томонидан сифат сертификати билан тақдирланди. Аҳил жамоа бундан руҳланиб, янгидан-янги марралар сари интилмақда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

## Судьялар учун кафолатлар кучайтирилади

ПАРЛАМЕНТДА

O'zLiDeP фракцияси аъзолари «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Суд тизими фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Кун тартибига киритилган биринчи масала — «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этган O'zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсуновнинг таъкидлашича, Президентимизнинг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лаво-

2 >>

## Меҳр-мурувват айёми

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимиз раҳнамолигида маънавиятнинг юксалтириш, миллий анъана ва урф-одатларимизни тиклаш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, диний қадриятларимизни эъзозлаш, ислом маданиятининг эзгу гоъларини кенг тарғиб этиш йўлида ибратли ишлар амалга ошириляётир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 октябрдаги «Қурбон хайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 15 октябрда мамлакатимизда ушбу муборак айём кенг байрам қилинади.

Барча жойда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам саховат, меҳр-мурувват каби эзгу амаллар бажариладиган Қурбон хайитини кўтаринки руҳда ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шаҳар ва туманларда, қишлоқларда кўча ва гузарлар тартибга келтирилиб, қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилмоқда.

— Муборак айём муносабати билан ёрдамга муҳтож ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан яна бир бор хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилоят бўлими бошқаруви раиси Ҳошиммурод Эрматов. — Кўча-кўйи, маҳалла гузарлари, уй-жойлар атрофи тартибга келтирилиб, ободончилик ишлари амалга оширилади. Бундай хайрли амаллар юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш, байрамнинг янада фойдали ўттирилиши таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Вилоятда Қурбон хайитини тинч ва осойишта ўтказиш учун тегишли идора ва ташкилотлар томонидан барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хайит намози ўқиладиган масжидлар атрофини ободонлаштириш, уларда ённи хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли ишлар олиб бориляётир.

Ў.А.

**КЕПҲСИ СОНПАРДА:**

2013 йилнинг 9 ойида маҳаллий кенгашлардаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ижроси юзасидан 162 та назорат-тахлил тадбири уюштирилди. 332 нафар мутасадди идора вакилининг долзарб масалалар бўйича ахборотлари эшитилиб, улар юзасидан 142 та таклиф жамланди. Энг муҳими, 53 та масала вилоят, шаҳар ва туман кенгаши сессияларига киритилди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

## «Олтин гепард» учинчи халқаро кинофоруми

ART WEEK STYLE.UZ — 2013

«Art Week Style.Uz — 2013» санъат ҳафталиги доирасида жорий йилнинг 19-24 октябр кунлари пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан «Олтин Гепард» учинчи халқаро Тошкент кинофоруми ўтказилди.

Маъқур халқаро тадбир одидан ташкил этилган маъбуот анжуманида «Олтин Гепард» учинчи халқаро Тошкент кинофоруми бош директори А.Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда

да миллий кино санъатини ривожлантириш, халқимизнинг маънавияти, бадий диди ва тафассуруни юксалтиришга хизмат қиладиган бадий етук экран асарларини яратиш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни изчил раванқ тоштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга ошириляётганини таъкидлади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан бу йил учинчи марта ўтказиляётган «Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми ҳам ўзининг илччан руҳи, томошабин диди ва савиясини юксалтириш, миллий кино санъатини ривожлантиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан жаҳон кинематографлари томонидан кенг эътироф этилмақда.

2 >>

## НУКУСЛИК ОРАСТА ҚИЗЛАР

Нукусда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказиляётган «Ораста қизлар» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якувланди.

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган 15 жамоа ўзаро баҳсланди.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама қомил инсонлар қилиб тарбиялаш, ўғил-қизларимизнинг қизиқиш ва интилишини қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Бибижан Оролбоева. — Бугунги танлов иштирокчилари ҳам ўзининг чуқур билими, кенг дунёқарашини ва юксак одоб-ахлоқи билан бунга амалда яна бир бор исботладди.

Кўриқда голиб чиққан Нукус шаҳрининг «Нукуслик қизлар» жамоаси энди танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.



Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 8 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа маъбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)	1 Австралия доллари ▲ 2032,31	1 АКШ доллари ▲ 2158,36	1 Ҳитой юани ▲ 352,67	1 Туркия лираси ▲ 1082,32	10 Япония иенаси ▲ 222,21
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъқур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш маъбурийлигини олмаган.	1 Англия фунт стерлинги ▼ 3459,85	1 Миср фунти ▲ 313,22	1 Малайзия рингити ▲ 676,92	1 Швейцария франки ▲ 2385,72	1 Россия рубли ▲ 67,24
	1 Дания кронаси ▲ 392,49	1 Исландия кронаси ▲ 17,86	1 Польша злотийси ▲ 696,31	1 ЕВРО ▲ 2930,20	1 Украина гривнаси ▲ 270,03
	1 БАА дирҳами ▲ 587,63	1 Канада доллари ▲ 2094,48	1 СДР ▲ 3318,91	10 Жанубий Корей вони ▲ 20,17	

## «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини

сертификатлаш маркази томонидан толани таснифлаш тизимининг такомиллаштириладигани унинг сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

### IX ХАЛҚАРО ҲАЗЕК ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК ЯРМАКАСИ

## Ўзбекистон пахтасига талаб ортмоқда

Пахта — тўқимачилик саноати учун энг зарур хомашё. Ёза ўсимлиги алоҳида парварил билан бирга, етарлича қуёш нуруни ҳам талаб қилади. Бинобарин, пахтанинг сифати ҳам, унга бўлган талаб ҳам айнан шу омилларга боғлиқдир. Шу боис жаҳонда пахта экспорт қиладиган кам сонли мамлакатлардан бири бўлган Ўзбекистон халқаро сифат стандартига мувофиқ пахта толасини таснифлаш ва сертификатлаш бўйича ягона миллий тизимни жорий қилди.

М.МАМЕТОВА,  
ЎЗА



Бизнинг деҳқонларимиз етиштирадиган пахта жаҳон бозорида ўзининг юқори сифати, пишқилги, юксак техник кўрсаткичлари ва замонавий тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб бериши билан машҳур. Буларнинг барчасига Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соҳани ислоҳ қилиш, янги технологияларни жорий этиш асосида юқори сифатли пахта толасини олиш, уни сотишда бозор иқтисодиёти талабларига ва механизмларидан кенг фойдаланиш асосида эришилди. «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан толани таснифлаш тизимининг такомиллаштириладигани унинг сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

2001 йилда ташкил қилинган ўшбу марказ фаолияти ишлаб чиқарувчиларга ҳам, хариддорларга ҳам боғлиқ эмас. Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ва Бремен пахта ассоциацияси аъзоси бўлган «Сифат» маркази пахта сифатини баҳолашда халқаро амалиётда жорий этилган талаб ва стандартларга амал қилмоқда. Унинг ўн учта худудий лабораторияси мамлакатимиз пахта тизимини раҳнамолигида таснифлаш марказларида таснифланган маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификатини беради. Пахта толаси сифатини аниқ баҳолашни таъминлаш мақсадида марказ томонидан ISO: 9001 сифат менежменти тизими жорий этилган.

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Э.Мақсудовнинг сўзларига кўра, пахта тойларини синовдан ўтказишни сертификатлаш жараёни томонидан барча ҳусунияларнинг аниқлашга ёрдам берадиган замонавий ускуна – НВИ тизимдан фойдаланишга асосланган. Бу агротехника коидаларини яхшилаш ва янги селекция навларини жорий этиш билан бир қаторда, узунлиги бир хил ва тўқимачилик тармоғида талаб юқори бўлган туртинчи тип пахта толаси ушунининг узлуксиз ошишига кўмаклашмоқда. Масалан, 2011-2012 йилларда олинган ҳосил натижалари таққосланганда бўлса, туртинчи тип пахта толасининг ўлиши 77,6 фоиздан 80,8 фоизга ошганини ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Сўнгги йиллардаги пахта мавсумида пахтанинг 1-навлари ҳамда «олий» ва «яхши» синфлари ушунини оширишда барқарор кўрсаткич кузатишда ҳам сақланмоқда. 2012 йил мавсуми якунларига кўра, умумий ҳажмда пахтанинг олий синфлари ўлиши 84 фоиздан ошди. Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида етиштирилган жами пахта толасининг 95 фоиздан зиёдини «олий» ва «яхши» синфлар ташкил қилади.

Мутахассисларнинг таъ-

кидлашича, селекция навлари ҳусунияларининг мунтазам яхшилланиб бораётгани бир қанча кўрсаткичлар бўйича етиштириладиган пахта толаси сифатига беvosита таъсир кўрсатмоқда. Масалан, «Бухоро-8», «Омад», «Анджон-36», «Бухоро-102» навларининг толаси узун. «Наманган-34», «С-2610», «С-6524», «Бухоро-8», «Бухоро-6», «Бухоро-102» навлари пишқилги, «Бухоро-8», «Бухоро-6», «Бухоро-102», «Омад», «Султон», «Келажак» навлари микронейр кўрсаткичлари, «Наманган-34», «С-2610», «Наманган-77», «С-6524», «Анджон-36», «Бухоро-6», «Бухоро-8» навлари толани узунлигининг бир хиллиги билан ажралиб туради.

Пахтанинг оклиги ҳам унинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. «С-6541», «Учкўрғон-2», «Наманган-34», «Хоразм-127», «Хоразм-150», «Мехнат» ва бошқа навлар шундай ҳусунияга эга. Уларнинг ҳаммаси IX Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасида намойиш этилади. Ушбу пахта навларининг сифат кўрсаткичлари билан «Сифат» марказида батафсил танишиш мумкин. Марказнинг маълумотлар базасида мамлакатимизда етиштириладиган пахта сифати, навлари, пахта заводлари ва вилоятлар тўғрисидаги тўлиқ ахборот бор.

Яна шунга таъкидлаш кераки, Ўзбекистонда жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг рақобатбардорлигини ошириш мақсадида пахта толасини сертификатлаш бўйича миллий тизим такомиллаштирилмоқда. Жорий йилда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказини 2013-2017 йилларда модернизация қилиш, техник ва технология кайта жиҳозлаш ҳамда ахборот тармоқлари ва технологияларини ривожлантириш йўналишлари бўйича амалга оширилади.

Мухтасар айтганда, пахта толаси сифатини баҳолаш бўйича халқаро стандартларга мос баҳолаш тизимини шакллантириш хариддорлар ишончини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда етиштириладиган пахта сифатини ишончли ва ҳолис баҳолашни янги бошқича кўтариш, жаҳон бозорига ўзбек пахтасининг рақобатбардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

# Судьялар учун кафолатлар кучайтирилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI asr»

Шу муносабат билан «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги низоми қайта кўриб чиқиш ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги низома назарда тутилган талаблар асосида унга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи этиляпти.

Этироф этиш жоизки, мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида О'зLiDeP фракцияси аъзолари томонидан 10 дан ортиқ таклифлар билдирилган бўлса, уларнинг 7 таси лойиҳанинг у ёки бу моддасида ўз аксини топди.

Муҳокама қилиш чоғида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятини, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда қонун ус-туворлигини таъминлаш ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда судьяларнинг ролини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари суд тизими фаолиятининг самардорлигини таъминлашда муҳим омил бўлганини таъкидлаш лозим. Zero, ушбу ҳужжатларда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш,

кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш назарда тутилган.

Шунинг учун ҳам янги қонун лойиҳасига кўра, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг судьялари жисмоний шахслар даромадларидан олинган солиқ тўловидан озод қилиниб, судьялик лавозимига номзодларнинг ёш бўйича мақомини йигирма беш ёшдан ўттиз ёшгача, юридик соҳада иш стажини уч йилдан беш йилгача кўтариш таклифи қилинмоқда. Қолаверса, судьялик лавозимига номзоднинг мажбурий ўқиши мобайнида унинг асосий иш ҳақининг сақлаб қолиниши ҳам ушбу лойиҳада ўз аксини топган. Бу эса шу пайтгача айрим қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган судьялар учун ижтимоий кафолатлар илк бор қонун даражасида мустаҳкамланади, деганидир.

Бир сўз билан айтганда, Мехнат ва Солиқ кодексларига, «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида», «Нотариат тўғрисида», «Адвокатура тўғрисида» ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуларга таклиф қилинаётган ўзгариш ва қўшимчалар судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартiriшга, судьялик лавозимига юқори малакали му-тахассисларни жалб этиш ҳисобида судьялар корпусининг сифатини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, О'зLiDePнинг Сайлововиди платформасида партия суд тизимидagi ислохотлар доирасида фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари, қонуний манфаатларига қатъий риоя қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ваколатларини қонунларда аниқ акс эттирилиши тарафдор эканлиги ўз ифодасини топган. Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг ахамиятига ана шу нуқтаи на-

## Кинофорум тadbирлари

Алишер Навоий номидаги Кино саройи, «Premier Hall» кинотеатри, «City Makon» маданият-маърифий кўнгилчоар марказида бўлиб ўтади.



**Мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида О'зLiDeP фракцияси аъзолари томонидан 10 дан ортиқ таклифлар билдирилган бўлса, уларнинг 7 таси лойиҳанинг у ёки бу моддасида ўз аксини топди.**

зардан эътибор қаратдилар.

Йиғилишда, шунингдек, «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат органи-нинг ташкил этилиши муноса-бати билан Ўзбекистон Респу-бликасининг айрим қонун ҳуж-жатларига ўзгариш ва қўшим-чалар қилиниш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Депу-татларнинг таъкидлашича, маз-кур ҳужжат Президентимиз-нинг 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси-ни ташкил этиш тўғрисида»ги фармонининг ижросини таъ-минлаш мақсадида ишлаб чи-қилган.

Ушбу фармонга биноан туга-тилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбеки-стон Республикаси Монополия-дан чиқариш ва рақобатни рив-ожлантириш давлат қўмитаси негизда Ўзбекистон Респу-бликасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақо-батни ривожлантириш давлат

қўмитаси ташкил қилинган муносабати билан тугатилган ҳар икки қўмитанинг вазифа ва функциялари янги ташкилотга ўтаётганлиги учун айрим қонун ҳужжатларига янги ташкил қилинган қўмитанинг номи билан боғлиқ ўзгаришлар киритиш таклифи этиляпти.

Шу билан бирга Хусусий-лаштириш, монополиядан чи-қариш ва рақобатни ривожлан-тириш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари қўми-тага юклатилган ваколатларга мувофиқ, судларга кўриб чи-қиш учун киритиладиган даъ-волар бўйича давлат божни тўлашдан озод этилиши белги-ланган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қўмита ва унинг худудий органлари қўми-тага юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга киритилади-ган даъволар ва аризалар бўй-ича давлат божни тўлашдан озод этилишига оид ўзгариш ҳамда қўшимчалар, киритилиши на-зарда тутилган.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорла-ри қабул қилинди.

## БУНЁДКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

### БАНКТИЗИМИ

Айни пайтда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида тижорат банклари кредити ҳисобидан 105 та кўп қаватли турар-жой биноси қад ростлаяпти

Миллий матбуот марказида Марказий банк ташаббуси билан ташкил этилган «Ипотека кредити: уй-жой билан таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусидаги матбуот анжуманида ана шу рақам тилга олинди. Унда малакатимиз раҳбарининг 2013 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида замонавий уй-жойлар қуриш ва қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш бўйича ОАВ вакилларига атрафия маълумотлар берилди. Хусусан, Дастурга мувофиқ бутун қишлоқ тижорат банклари маблағи эвазига ҳудудларда 105 та кўп қаватли турар-жой биноси қуриладигани, 2013-2015 йилларда фойдаланишга топширилган уйлар ипотека кредитлари эвазига уч йиллик имтиёзли давр билан фонд ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ёш оилаларга тақдим этилиши ҳамда ушбу имкониятлардан фойдаланаётган ёш оилаларнинг даромадларидан солиқ олинмаслигига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, кейинги йилларда аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг мутасил ортиб бораётгани замонавий уй-жойларга бўлган талабни ҳам кучайтирмоқда. Шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, банкларнинг ипотека кредитлари қолдиги ҳажми 2 триллион 379 миллиард сўмни ташкил этгани, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида янги уй-жой қуриш, харид қилиш ва қайта таъмирлаш истагидаги миқдорлар қарий 777 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бундан ташқари яқка тартибда уй-жой қуриш комплекс дастури доирасида 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 159 та қишлоқ туманида 650 та янги уй-жой массиви барпо этилди. Умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 миңдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой барпо этилгани ва ушбу мақсадларга 1,2 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда инвестициялар йўналтирилгани диққатга сазовордир. Жорий йилда ҳам қишлоқларда уй-жойларни кенг қўламли қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, 353 та қишлоқ массиви худудида барча қулайликларга эга 10 миңга уй-жой қуриш учун банклар томонидан 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилгани журналистларга катта қизиқиш уйғотди. Тадбир сўнггида банк мутасаддилари ОАВ вакиллари саволларига атрафияча жавоб қайтардилар.

А.МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

## «Олтин гепард» учинчи халқаро кинофоруми

### «ART WEEK STYLE.UZ – 2013»

Жорий йилги кинофорум «XXI аср тамаддуллари: маданиятлар мулоқоти» шiori остида ўтади. Форумга тақдим этилган фильмлар «Кўзгу ва тилсимда, акс-садо ва мажозий ифода» деган гоияни ўзида мужассам этади.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА

Боливия, Венгрия, Германия, Перу, Польша, Испания, Фран-ция, Хорватия, Чехия, Швей-цария, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Эрон сингаги кўплаб давлатлардан беш юздан ортиқ экран асарни тақдим этилган. Таркиби юртимиз ва жаҳон ки-ночиларидан иборат нуфузли ҳакамлар хайъати томондан танлов дастури учун 11 та тўлиқ метражли, 13 та қисқа метражли, 10 та анимация фильм, жами 34 картина та-налов олинди. Экраниясарларини саралашда уларнинг гоияси, ба-диий савияси, мазмуни, техник жиҳатлари, актёрлар маҳорати каби кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу фильмлар «Энг яхши аёл фильми», «Энг яхши қисқа мет-ражли фильм», «Энг яхши эр-как роли», «Энг яхши аёл фильми», «Энг яхши режиссура», «Энг яхши тўлиқ метражли фильм» номинациялари бўйича баҳоланади. Кинофорум тан-лов дастурида ўзбекистонлик режиссёр Хилол Насимовнинг «Тубанлик» ҳамда Собир Назармухамедовнинг «Армонли

дунё» картиналари, қисқа мет-ражли фильмлар танловиди эса ёш режиссёрлар Хасан ва Хусан Солиқовнинг «Балерина», Ан-вар Сафоевнинг «Кучук», Азия Аҳмаджоновнинг «Ун олтинчи уй» картиналари томошабиллар эътиборига ҳавола этилади. «Олтин Гепард – 2013» хал-қаро кинофоруми доирасида, шунингдек, «Замонавий ўзбек киноси», «Франция фильмлари», «Чехия эртақлари олимпиа-ди», «Хиндистон киноси» дастурилари, «Томошабил билан ҳам-нафас» мавзусида навадлат сту-диялариди суратта олинган филь-млар миллий фестивали ўткази-лиши кўзда тутилган. Ҳуж-жатли кино усталари ижодига бағишланган «Хаккат сарҳад-лари» ҳужжатли кино дастури мухлислар учун ўзига хос ин-гиллик бўлиши шубҳасиздир. «Глобал оламда миллий кино» мавзусидаги халқаро анжуманда эса жаҳон кино оламидаги ижо-дий жараёнлар, бутунги шиддат-ли даврда юртимиз кинемато-графларининг вазифалари ҳақида атрафияча сўз юритилади. Ки-нофорум тadbирлари Алишер Навоий номидаги Кино саройи, «Premier Hall» кинотеатри, «City Makon» маданият-маърифий кўнгилчоар марказида бўлиб ўтади. Айни пайтда кинофорумга тақдим этилган фильмлар Сама-рқанд шаҳрида ҳам намойиш эти-лиши кўзда тутилган. Матбуот анжуманида жур-налистларнинг саволларига атрафияча жавоб қайтарилди.



## «Аёллар қаноти»

томонидан ишлаб чиқилган «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси оналик ва болаликни муҳофаза этиш масалаларига қаратилган.

## Биз энди тадбиркормиз

### «Ёшлар қаноти»

Хоразмда O'zLiDeP лойиҳаларида иштирок этиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритган қирқ олти нафар йигит-қиз ўз бизнесини бошлади.

Шухрат РАХИМОВ,  
«XXI asr»

Айни пайтда яна ўттиз тўрт нафар ўғил-қиз молия муассасалари билан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришти. O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Отабек Тожиевнинг айтишича, жорий йилда партия аъзоларига қабул қилинганларнинг қарийб ярмини навқирон авлод вакиллари ташкил



этади. Вилоятдаги жами партия аъзолари миқдорига эса бу кўрсаткич 51,1 фоиз. «Ёшлар қаноти» фаолиятида партиявий лойиҳалар алоҳида ўрни тутади. Улар айниқса Урганч шаҳри, Янгибозор, Хонқа, Шовот, Богот, Ҳазорасп, Хива ва Гулран туманларида ижобий натижа бермоқда.

— Лекин Қўшқўпир ҳамда Янгиариқ туманларидаги маслаҳатларимиз иши талаб даражасида эмас, — дейди Отабек Тожиев. — Масалан, Қўшқўпир туманида ўтказилган партиявий тадбирлар туфайли 13 нафар йигит-қизга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат берилган бўлса, улардан тўрт нафари банкдан кредит олиб, ўз бизнесини бошлашга эришди, холос. Янгиариқ туманидаги кўрсаткичлар ҳам мақтанарли эмас. Демак, ушбу ҳудудларда тарғибот ишларини янада кучайтириш, ҳамкор ташкилотлар билан эришилган ахдлашувлар ижросини қатъий назоратта олиш талаб этилади. Ана шундай назорат ўрнатилган ҳудудларда эса тадбиркорликни бошлаб юборган коллеж битирувчилари катта-катта режаларга қўл уришгилар.

— Мен Урганч тиббиёт коллежининг 3-босқич талабасман, — дейди Туронбек Қаддамбоев. — O'zLiDeP томонидан ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишга қатта эътибор қаратилаётгани боис 2011 йилда унга аъзо бўлганман. Чунки айнан шу партия ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий-ҳуқуқий шароит яратиш, битирувчиларнинг интилиш ва изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокини амалда қўллаб-қувватлашди. Жумладан, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ишбилармонлиқни танлаган ҳар бир йигит-қизнинг эътиборини тортиши табиий. Зотан, унда муваффақиятли қатнашиш имтиёзли кредит олиш, дегани. Бу йил мен ҳам ана шу имкониятдан фойдаландим. Натижада «Микрокредитбанк»дан ўн миллион сўм кредит олиб, тадбиркорликни бошладим. Бу ҳаракат ўзимдан бошқа яна уч кишининг доимий иш билан таъминланишига йўл очди. Чиндан ҳам партиявий лойиҳалар тадбиркорликни ихтиёр этаётган ёшлар учун қўшимча имкониятлар бермоқда. Бундай сазий-ҳаракатлар бошқа минтақаларда бўлгани каби Хоразмда ҳам ижобий натижаларга олиб келаётди. 2013 йилнинг ўтган даврида партия аъзоларига қабул қилинган ёшлар 93 нафарини ташкил этгани ҳам ушбу хайрли мақсадлар рўёбга чиқаётганини кўрсатади.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

— Ёшларга ёшлиги учунгина эътиборсиз бўлманглар. Агар улардан тўғри маслаҳат ёки ақлли гап чикса, ўша йўлга юриш керак. Унутмаслик лозим, гавҳарни дарёдан ёш бола олиб чиқса ҳам унинг қиммати йўқоламан.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида иштирок этган бухоролик 127 нафар ёш тадбиркорга тижорат банклари томонидан 2,5 миллиард сўм кредит ажратилди



## Амалий ишлар ишончни мустақкамлаяпти

Асхор ИСТАМОВ,  
«XXI asr»

— «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Онлавий тадбиркорликдан — мустақкам оиласга», «Диплом билан бизнесга», «Ишбилармон талаба» сингари партиявий лойиҳаларнинг амалий натижаси Бухорода ҳам кичик бизнес субъектлари сонини ошириш имконини бермоқда, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Сувоп Жўраев.

Мазкур лойиҳалар ёшлар ва аёлларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофазалашга қаратилганлиги билан ахамиятлидир. Бу эса, ўз навбатида, «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда партиянинг амалий иштирокини таъминлабгина

қолмай, аҳолининг турли қатламларида мазкур сиёсий тузилмага бўлган ишончини янада кучайтирмоқда.

Бугун Бухоро вилоятидаги 9326 нафар партия аъзосининг 4238 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 113 нафари тажрибали фермер, 833 нафари тадбиркор сифатида фаолият олиб бормоқда. O'zLiDeP бошланғич ташкилотларининг 133 тасига ҳам аёллар етакчилик қилаётирлар.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида партиявий лойиҳаларда иштирок этганларнинг 22 нафарига тижорат банклари томонидан 112 миллион 550 минг сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча бараварга кўпдир.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида иштирок этган бухоролик 127 нафар ёш тадбиркорга тижорат банклари томонидан 2,5 миллиард сўм кредит ажратилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 3 бараварга кўпдир. 2013 йил

охиригача яна 7 миллиард сўм кредит бериш қўзда тутилган. Эътиборлиси, ёшларнинг лойиҳаларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Лойиҳа иштирокчиларидан бири, Ромитан қурилиш ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мазруф Мехнатова «Агробанк» туман бўлимидан 70 миллион сўм ажратилган ва ана шу ҳисобдан черешча ишлаб чиқарувчи уйсуналар сотиб олиш белгиланган. Жондор саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Муҳаббат Шофиддинова эса «Асака банк» туман бўлимидан 35 миллион сўм кредит олди ва яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди.

— Бизнес-режим ташкилотчиларга маълум бўлган, уларнинг тавсияси билан «Турон банк»нинг туман филиалидан 100 миллион сўм кредит олдим, — дейди Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ботиржон Фаттоев. — Ушбу маблағ эвазига озиқ-овқ

## Маҳаллий бозорларга

88 миллион 133 минг сўмлик маҳсулот чиқарилган бўлса, хорижга 826 миллион 337 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

ат маҳсулотларини ташшига мўлжалланган транспорт воситалари харид қилиб, савдо шохбчалари билан шартнома туздим. Айни пайтда шу соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшаيمان.

Партиявий лойиҳалар доирасида жойларда ўтказилаётган семинар-тренинг, давра суҳбатлари, ўқув курслари давомида «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўлими хужжатлари», «Тадбиркорлик асослари», «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатини ўтказиш тартиблари», «Суғурта — тадбиркорлик қасолати», «Бизнес-роя таллаш ва уни ишлаб чиқиш», «Кредит турлари тўғрисида маълумот», «Гаров таъминоти ва унинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари» мавзуларидаги маърузалар ёшларнинг муайян натижаларга эришишида муҳим аҳамият касб этаётгани.

Бошқа партиявий лойиҳалар катори «Мулкдор оила» ҳам вилоят миқёсида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, онлавий бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафини кенгайтириш, уларга имтиёзли кредитлар бериш механизмни такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, илгор тажриба ва инновациялар, замонавий агротехник тадбирларни кенг қўллаш имконини бермоқда.

Агар «Мулкдор оила» лойиҳасининг 2012 йилдаги вилоят босқичида 179 нафар иштирокчилдан 86 нафарининг умумий қиймати 879,9 миллион сўмлик бизнес-режаларини молиялаштириш мақсада мувофиқ деб топилган бўлса, ушбу лойиҳанинг жорий йилги шаҳар ва туман босқичлари натижаларига биноан тижорат банкларидан жами 1 миллиард 100 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган ва 180 дан ортиқ иш ўрни яратилган бўлди.

2013 йилда ўтказилган «Онлавий тадбиркорликдан — мустақкам оиласга» лойиҳасининг ҳам ўз фойдалари бор. Ушбу лойиҳанинг 80 нафар иштирокчилари орасида айниқса Бухоро туманида ўз фаолиятини эндигина бошлаётган ёш тадбиркор Маржона Раҳматова алоҳида ажралиб туради. Унинг туман марказида «Ўзгаллик саломи» ташкил этилган оид истиқболли ишламасини лойиҳа ташкилотчилари юқори баҳоладилар. Умуман, жорий йилда ташкил этилган мазкур лойиҳанинг туман босқичлари якуни бўйича бошловчи тадбиркорларга жами 102600000 сўмлик кредит берилди.

## Аёллар фаол ва ташаббускор

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ва оиладаги мавқеини янада мустақкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган

### «Аёллар қаноти»

O'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган бир қатор лойиҳалар, хусусан, «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тадбирлар ҳам айнан ана шу мақсадга хизмат қилаётди.

Гулноза МУХИДДИНОВА,  
«XXI asr»

O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан ташкил этилган «Оила муқаддаслиги тамойили, онлавий муносабатларда умумбашарий ва миллий қадриятларини асраб-авайлаш» мавзусидаги навбатдаги амалий мулоқотда ҳам асосий эътибор партия Дастури ва Сайловолди ялғач-формасида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллат генофонди соғломлигини таъминлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустақкамлаш масалаларига қаратилди. Тадбирда, шунингдек, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, баъзи зарарли иллатларнинг олдини олиш бугун ҳар қачонгидан ҳам қатъий аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тадбирда халқ депутатлари туман



ва шаҳар кенгашлари депутатлари, «Аёллар қаноти» аъзолари, «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлими ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддилари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълимни бошқармаси вакиллари, ишбилармон аёллар, тиббиёт муассасалари ходимлари, партия фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари иштирок этидилар.

O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ш.Бозорбоева кун тартибидангина масала юзасидан фикр юритиб, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, республика

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази ўртасида қўнма қарор қабул қилинганлиги ушбу йўналишдаги истиқболли тадбирлардан бири эканини қайд этди.

Оила — жамиятнинг асосий таянчи экан, аввало, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, йиллар синовидан ўтган эзгу қадриятларни асраб-авайлаш, ота-оналар зиммасидаги масъулиятни ошириш, жойларда тиббий маданиятни юксалтириш, қариндошлар ўртасидаги ниҳоят унинг салбий оқибатларини оямага кенг тунунтириш ҳаминша

диққат марказида бўлиши лозим.

O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Ш.Аҳмеджонова, Гўлистондаги «Бахт уйи» мудираси Гулҳаё Расуллова «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳасининг мақсад ва вазирларидан келиб чиқиб, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий хизмат сифати ва маданиятни яхшилаш, ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, онлавий муносабатларда ўзбекиона ҳурмат, одоб-ахлоқ тамойилларига қатъий амал қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини салбий таъсир этувчи факторларни бартараф этиш хусусида сўз юритдилар.

Амалий мулоқот давомида «Оила» илмий-амалий маркази директори С.Зуннунова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими етакчи мутахассиси С.Ўдаеванинг чиқишлари ҳам қатта қизиқиш билан тингланди. Улар янги авлоднинг тарбиялаш, жамиятда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда аёллар зиммасига қатта масъулият юклатилганини таъкидлаб, бу хусусда ўз тақлиф ҳамда мулоҳазаларини билдирдилар.

Сирдарё шаҳар прокурори ёрданчи А.Қоржовов жамият барқарорлигини таъминлаш, маънаф етуқ, жисмонан соғлом ёшларни камол топтиришда мактаб, коллеж, маҳалла, оила ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги хусусида фикр юритган, кейинги йилларда мамлакатимизнинг маъмурий ва жиноят кодексларида киритилган айрим ўзгариш ва қўшимчалар хусусида атрафлича маълумот ҳам берди.

Фаоллик ва ишчанлик руҳида ўтган ушбу тадбир баҳо-мунозара, савол-жавобларга бой бўлди.

### O'ZLIDEP АЪЗОСИ ТАКАФИФИ БИЯАН

#### ИМПОРТ ЭМАС, ЭКСПОРТ КЎПАЯДИ

Ўн тўрт кишилик жамоа эришган ютуқлар бежиз тилга тушгани йўқ, аябдод. Айни пайтда унчалик қатта бўлмаган корхона ўз олдига қатта мақсадлар қўйгани учун ҳам шундай натижаларга эришганлиги қайд этилмоқда. Жамоа фаолияти билан танишгач, юқоридagi хулоса бежиз эмаслигига ишондик.

— Дастлаб «Шоирабону-78» кичик корхонасида 14 киши билан иш бошлагандик, — дейди унинг раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Шоирахон Исроилова. — 2010 йилга келиб «Ўзпромашимпекс» ГАТК ва корхонамиз таъсисчилигида «UPM TEXTILE» МЧЖни ташкил этдик. Бу ерда 52 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилапти. Уларнинг армиядан зиёди ёшлар.

Дарҳақиқат, Шоира Қодирова, Муҳайё Сўфияева, Мавжуда Шарофиддинова, Муҳайё Маматалеева сингари қўли гул чеварлар ёш бўлишларига қарамай, Хитойдан келтирилган замонавий тикув дастгоҳларини моҳирлик билан бошқаряптилар. — Тадбиркорлик ва ишбилармонлиқни ривожлантириш учун қўлай шароит яратиб бераётган Юртбошимизга ҳар қанча миннатдорлик билдирсак оз, — дейди Шоирахон биз билан суҳбатда. — Илгари ана шундай замонавий биналар, мураккаб техникаларда ишлашни фақат орзу қилар эдик. Таъкидлаш керак, Андижон вилоятидаги ушбу корхонада эркаклар, аёллар ва болаларнинг етти турдаги қиймлари ишлаб чиқарилди. Ўтган саккиз ойда 914 миллион 471 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Эътиборлиси, маҳаллий бозорларга 88 миллион 133 минг сўмлик маҳсулот чиқарилган бўлса, хорижга 826 миллион 337 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилинди. — Мустақкамлик шарофати бу, — дейди Шоира Исроилова қувониб. Аҳроржон МУСУРМОНОВ.



**Лойиха доирасида**  
«Тадбиркор аёл — обод юрт фахри» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.



**БПТнинг 15 нафар аъзолари**  
таъсис йиғилишида бажарилиши лозим тадбирларни белгилаб олдилар.



**Либерал-демократик ғоялар**  
тарғиботида қатъият ва собитқадамлик амалий ишларда ўз аксини топмоғи лозим.

КУЧЛИ ҚҲҲИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ

## Ташкилотларида

41 (517)-СОН, 2013 йИЛ 10 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА



**АНЛИЖОН.** Қўрғонтепа туманидаги «Нодира Моҳрайим» фермер хўжалигида 12 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич ташкилот иш бошлади. Таъсис йиғилишида партияннинг мақсад ва вазифалари, О'zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгилаб олинган устувор йўналиш хусусида батафсил маълумотлар берилди. Тадбирда сўзга чиққанлар «Обод турмуш йили»да мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришлар юрт ободлиги, халқ фаровонлиги ва тинчлигига хизмат қилаётгани, бунда О'zLiDePнинг ҳам муносиб ўрни борлигини таъкидладилар.



**ТОШКЕНТ.** О'zLiDeP Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман кенгаши ташаббуси билан «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» партиявий лойиҳаси доирасида «Тадбиркор аёл — обод юрт фахри» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари иштирок этган тадбирда «Аёллар қаноти»нинг «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашдаги фаолияти хусусида атрофлича маълумот берилди.

— Ушбу тадбирдан кўзлаган асосий мақсадимиз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятидаги хотин-қизларга имтиёзли банк кредитлари олишда кўмаклашиш, ҳуқуқий масалаларда ёрдам кўрсатишдан иборат, — дейди Тошкент шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» гуруҳи раҳбари Дилноза Абдуллажоновна. Давра суҳбатига Чилонзор туманидаги О'zLiDePга аъзо 1024 нафар хотин-қизлар партия ғояларини кенг тарғиб этаётганларига эътибор қаратилиб, уларнинг 36 та бошланғич ташкилот тадбирларида фаол қатнашаётганлари қайд этилди. Тадбир сўнггида партия сафида қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.



**НАВОЙЙ.** О'zLiDeP вилоят кенгаши ҳамда Навбаҳор, Кармана, Конимех, Хатирчи туман кенгашлари ҳамкорлигида пахта далаларида меҳнат қилаётган теримчилар учун «Оқ олтин — миллий бойлигимиз», «Пахтамиз — фахримиз», «Хирмонингизга баракка, азиз пахтакорлар!» мавзуларида қатор маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Учрашувларда илгор теримчи ва ҳашарчиларни эсдалик совғалари билан тақдирлаган партия фаоллари фермерлар, хотин-қизлар ва ёшлар ташаббусларини рағбатлантириш О'zLiDeP фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканини таъкидладилар.

## Ташаббускорлар

Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат-унитар корхонасида О'zLiDeP ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда

**Бехзод ИСРОИЛОВ,**  
«XXI asr»

Ҳўш, бу ташаббусдан кўзда тутилган асосий мақсад нима? Яқинда БПТ аъзоларининг саъй-ҳаракати билан бир неча касб-хўнара коллежаларида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда О'zLiDePнинг устувор вазифалари» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёни тобора соддаштирилаётганлиги, лицензия талаб этиладиган фаолият турлари камайитириляётганлиги, бу эса мулкдорлар учун жуда қўл келаётганлиги ҳақида кенг маълумотлар берилди. Бундай хайрли тадбирлар жойларда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Энг муҳими эса жойларда тадбиркорликка қўл ураётганлар сонни орта бошлади.

Маълумки, Президентимиз қарорига мувофиқ яқинда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган эди. Маъмур жамғарма хусусий сектор вакилларининг жаҳон бозоридан етакчи ўринларни эгаллашда ўзига хос «кўприк» вазифасини ўтатиш шак-шубҳасиз. Чиндан ҳам шундай. О'zLiDeP ва унинг кўйин бўғинлари қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жамғарма фаолиятини омма ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилмоқдалар. Тумандаги бир қатор тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларида ўтказилган «Ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш — иқтисодий тараққиёт омилли» мавзуидаги жонли мулоқотларда асосий эътибор ана шу масалаларга қаратилди. Хусусан, уларда депутатлик гуруҳи аъзоларининг бевосита иштироки таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни кунда БПТнинг 16 нафар аъзоси бўлиб, улар аҳолидан тушган ариза ва мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, турли ҳаётини муаммоларни ҳал этиш



### О'zLiDeP уставидан

— *Бошланғич партия ташкилоти ҳар томонлама билимдон, сиёсий ва ижтимоий тайёргарликка, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш соҳасида янги ғоя ва тақлифларга эга бўлган, партия воситалари билан тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари ва бошқа партия аъзолари манфаатларини ифодалашга қодир, обрўли ва жонқуяр шахсларнинг ихтиёрини равишда бирлашишидан ташкил топади.*

учун куч-ғайратларини аямаяпти.

— Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида баён этилган фикр-мулоҳазалар аслида барчамиз

га тааллуқлидир, — дейди корхона раҳбари, БПТ етакчиси Қудрат Бекчинов. — Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида йўл кўйилган баъзи хато-камчиликлар ошқорла айтиб ўтилгани ҳар би-

римизни янада ҳушёр торттирди. Зотан шу юрт, шу заминда яшар эканмиз, унинг тақдирига асло бепарқ бўлмаслигимиз лозим. Президентимиз нутқида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида биз ҳам ўз иш режамизни қайта кўриб чиқиб, унга жиддий ўзгаришлар киритдик. Энди навбат — амалий ҳаракатларга. Токи белгиланган режалар қорғозда қолиб кетмасин.

БПТ жамоада ишчанлик муҳитини шакллантириш, қатъий меҳнат интизомини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини беради. Ўтган йили меҳнат унвондорлиги 2011 йилга нисбатан 60 фоизга, амалдаги йилнинг олти ойида 30 фоизга ошганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Фаолларнинг саъй-ҳаракати билан жойларда аҳолига қўлайлик яра-

тиш, вақтни тежаш, турли-туман оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида қатор янгиликларга қўл урилмоқда. Жумладан, «yangiarig-qadast.uz» веб-сайти орқали кўрсатилаётган хизмат туфайли, соҳага онд копун ва қарорлар билан танишини, саволларга тегишлича жавоб олиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга фуқаролар «info@yangiarig-qadast.uz» электрон манзили ёки «Бир ойна» бўлимасига ўз шикоят, тақлиф ва саволлари билан мурожаат этишлари мумкин. Хусусан, «Бир ойна» бўлимасининг фаолияти тезкорлиги, аниқлиги ва ҳозиржавоблиги билан барчага манзур бўлапти.

Янгиликлардан яна бири «AGRI» дастурининг жорий этилганидир. Ҳозирги кунда давлат кадастрлари ягона тизимга киритилган 21 та электрон тармоқ ишлаб турибди. «AGRI»нинг татбиқ қилиниши эса тармоқлар орасида маълумот аламашинуви жараёнини анча мукамаллаштириш имконини бермоқда.

Бу каби изланишлар бизни кетаётгани йўқ. Амалдаги йилда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхоналари ўртасида ўтказилган республика танловида жамоа биринчи ўринни эгаллади ва «Нексия» автоматобили билан тақдирланди.

— Янгиариқ тумани кадастр хизмати корхонасидаги қўйи бўғин оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда ҳам кўпчиликлари ибрат бўлмоқда, — дейди партия вилоят кенгашининг БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари М.Матқаримов. — Хусусан, фаолларнинг ғоявий-ҳуқуқий саводхонлигига ҳавас қилса арзийди. Бу, шубҳасиз, мутасил ўқиб-ўрганиш, кунг билан изланиш маҳсулидир. Қолаверса биз ташвиқот ишларини юқори савияда олиб бориш учун асосан қўйи бўғинларга таянамиз. Шу боис «Сиёсий таълим маркази» қошида алоҳида ўқув курслари ташкил этилиб, БПТ фаолларининг билим ва малакасини ошириш чоралари кўрильмоқда.

## ПАРТИЯ САФИДА — КУРАШЧИЛАР

**Айримлар О'zLiDePга фақат тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари аъзо бўлишди, деб янглиш ўйлашди. Ҳолбуки, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини астойдил қўллаб-қувватлайдиган, либерал-демократик ғояларга чинакам хайрихоҳ ҳар бир фуқаро, касб-кори ва ихтисосидан қатъий назар, партияга аъзо бўлиши мумкин.**

Ўзбекистон «Белбоғли кураш» федерациясида 16 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич ташкилот тузилгани ҳам бу фикрни исботламоқда. — «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда қайд этилганидек, партия муштарак мақсад ва қарашларга эга ишончиларнинг ихтиёрини уюшмасидир, — дейди БПТ раиси, тажрибали спортчи ва мураббий Рашид Маммажонов. — Ана шундан келиб чиқиб, О'zLiDeP илгари суратланган либерал-демократик ғоялар моҳиятини яхши англайдиган ва уларнинг чинакам тарафдор

бўлган спортчилар иштирокида кўйи бўғинга асос солидик. БПТ фаоллари — яқинда Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионати совриндорлари, моҳир спортчилар Сарвар Мирзаев, Юлдуз Эркаева, Мавлон Эргашевнинг яқидил фикрларига кўра, партияга аъзолик имтиёз ёки мансаб эмас, балки маънавий уюшмадир. Зеро Либерал-демократик ғоялар тарғиботида қатъият ва собитқадамлик амалий ишларда ўз аксини топмоғи лозим. Ана шундангина кўзланган мақсадларга эришиш, электротар иншончини қозониш мумкин бўлади.



**XXI ASR**  
ижтимоий-сиёсий газетасига  
**ОБУНА** бўлинг!  
Мурожаат учун телефон:  
**(8-371) 215-63-80**

## «АГРОМИР»ГА О'ZLIDER КИРИБ КЕЛДИ

**Самарқанд туманидаги «Агромир» қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари бошланғич ташкилот тузиш ташаббуси билан чиқдилар.** Ортбошимизнинг партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли ўртасида қанча жонлантинириб, кенгайтириб бора, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади, деган сўзларини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак,

дейди корхона раҳбари, янги кўйи бўғинга раис этиб сайланган Меҳрош Фаёзлилов. — Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган кенг қўламли бўндкорлик ишларига озми-кўпми ҳисса қўйишни мақсад қилган бошланғич ташкилотимиз аъзолари халқ ичига кириб боришлари, одамлар билан юзма-юз бўлиб, ислохотларнинг мазмун-моҳияти хусусида бевосита учрашувлар ўтказишлари жуда муҳимдир. Ана шундай ниятларни рўёбга чиқариш учун БПТнинг 15 нафар аъзоси таъсис йиғилишида бажарилиши лозим бўлган тадбирларни

белгилаб олдилар. Унга кўра, тумандаги касб-хўнара коллежаларида «Тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий тараққиёт омилли», «Онлавий бизнесни ривожлантириш: айрим муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди. Шуниси эътиборга сазоворки, маъмур бошланғич ташкилотга асосан тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакилларининг қонуний манфаатларини ифодалашга қодир бўлган ташаббускор йиғитчилар аъзо бўлдилар.

**70 нафар қурувчи**

янги йил арафасида 80 та оилага қувонч улашиш учун ҳаракат қилаётди.

**Тез орада коллеж**

битирувчилари учун қўшимча 11 та иш ўрни яратишни мақсад қилганмиз.

Реклама ўрнида

## Сармоялар тараққиётга хизмат қилмоқда



Молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Навоий вилоят филиали мижозларга турли-туман замонавий хизматларни таклиф этиб, улар ишончи ва эътиборини қозонмоқда

**Шахзод НАЗАРОВ,**  
«XXI asr»



Энг муҳими, бундан ҳар икки томон бирдек манфаат кўрапти. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган бўш пул маблағлари ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларига йўналтирилиб, уларнинг миқдори ҳамда салмоғини ошириш чоралари кўриломоқда.

Маълумки, истиқлол йилларида юртимизда жаҳон андозаларига мос, замонавий банк тизими шаклланиб, эндиликда ушбу тизим иқтисодиётнинг кен томирига айланди. Зотан пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш бугунги ислохотлар жараёнида ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир.

Шу ўрнида кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик ҳаётимыздан тобора кенг ўрни эгаллаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар фаолияти намунали йўлга қўйилган жойларда ишлаб чиқариш жадал ривожланиб, аҳоли даромадлари кўпаймоқда. «Асака» банкининг вилоят филиали ҳам ана шуларни эътиборга олган ҳолда мулкдорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга интиляпти. 2013 йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 24,6 млрд. сўм миқдорда кредит сарможалари ажратилганлиги фикримиз далилидир.

Умуман, жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига банк филиалининг кредит портфели 57,1 млрд. сўмга етди. Шундан узоқ муддатга берилган кредитлар миқдори 85,4 фоизни ташкил этмоқда.

Кези келганда яна бир фикрнинг таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбир-

**2013 йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун банк томонидан 24,6 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди.**

лари тўғрисида»ги қарорлари туфайли халқ хўжалиги тармоқларини изчил, барқарор ривожлантириш учун кенг имкониятлар юзага келмоқда. Жумладан, вилоятнинг Кармана туманида 500 гектарли эркин индустриал-иқтисодий зона барпо этилди.

Ҳозирги кунда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида енгил автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, косметика ва парфюмерия ашёлари, электр жиҳозлари ва бошқа эҳтиёжбон товарлар ишлаб чиқариломоқда.

Энг муҳими, «Асака» банкининг вилоят филиали томонидан ушбу мақсадларга қаратилган бир қатор инвестицион лойиҳалар ўз вақтида молиялаштирилди. Жумладан, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «UzEraeCable» қўшма корхонасига кабель симлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий технологик асбоб-ускуналар харид қилиш учун зарур миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Нати-

жада 100 га яқин янги иш ўрни яратилиб, уларга асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб этилди.

Шунингдек, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «UzErae Alternator» қўшма корхонасининг транспорт воситаларига мўлжалланган генератор ва компрессор ишлаб чиқариш, зарур технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш билан боғлиқ лойиҳаси ҳам банк филиали томонидан ўз вақтида молиялаштирилди. Бунинг эъзига 60 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Асака» банкининг Навоий вилоят филиали жамоаси ислохотлар талаби ва масъулиятдан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада такомиллаштирмоқда. Мақсад илғор ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга молиявий мададкор бўлиш, шу тарика жамият тараққиётига муносиб хисса қўшиндан иборат.

## «Ҳамкорбанк» сизга ҳамиша ҳамкор

«Ҳамкорбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки томонидан йўналтирилган миллиардлаб маблағлар ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаёпти. 1991 йилда ташкил этилган ушбу молиявий муассаса турли йўналишдаги замонавий хизматлари билан мижозлар ишончи ва эътиборини қозонмоқда. Хусусан, унинг Навоий вилоят филиали ўз фаолият доирасини тобора кенгайтириб, бир қатор ютуқларга эришаётди

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

корхонасига 19,0 млн. сўм, «Навоий Мирали Топ» МЧЖга 300,0 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилгани иқтисодий самарадорликни ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш имконини бермоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида фақатгина кичик бизнес субъектларига 3,7 млрд. сўм ўрнига 4,9 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 млрд. сўм кўп, демаскидир. Энг муҳими, мажбур сарможалар ҳисобига вилоятда 202 та янги иш ўрни яратилди.

Мақсадли йўналтирилган кредитларнинг 720,6 млн. сўми ишлаб чиқариш, 211,7 млн. сўми кишлоқ хўжалиги, 739,8 млн. сўми хизмат кўрсатиш, 147,0 млн. сўми савдо, 714,5 млн. сўми қурилиш ва 50 млн. сўми бошқа соҳаларга тўғри келмоқда. Ўтган давр мобайнида айланма маблағларни тўлдириш учун 2342,9 млн. сўм сармоя йўналтирилди.

Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори банк жамоаси томонидан изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мисол учун, Навоий шаҳридаги «Континент-Н» ёр-мой масъулияти чекланган жамияти ички бозорни ўсимлик мойи, шедуха, шрот каби маҳсулотлар билан таъминлаш учун 1200,0 млн. сўм. янги балиқчилик хўжалигини ташкил этиш учун 23,0 млн. сўм. шунингдек, озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқларига 327 млн. сўм. миқдорда маблағ йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш аини кундаги доллар вази-фарлардан биридир. Банк бу борада ҳам ўз молиявий ёрдами аямаяпти. Хусусан, Кармандаги «Навбахор темир бетон» МЧЖга 120,0 млн. сўм, Навоий шаҳрида жойлашган «Оптовик» хусусий корхонасига 130,0 млн. сўм, «Шаҳризода Барака Сервис»

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорига асосан имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан Томди туманидаги «Бухоросаноатинвест» хусусий корхонасига қурилиш объектларида электр-монтаж ишларини амалга ошириш учун 15,0 млн. сўм миқдорда имтиёзли сармоя ажратилган эди. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилди. Агроеконом тармоғини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам доимий эътиборда. Жорий йилнинг ўзида иктам иссиқхоналар қуриш, паррандачиликни ривожлантириш учун 7 та шахсий ёрдамчи хўжаликка 47,4 млн. сўм миқдорда имтиёзли микрокредит берилган эди. Бунинг натижасида 7 та янги иш ўрни барпо этилди. Умуман, 1 сентябрь ҳолатига қорвачиликни ривожлантириш учун 19 та кам таъминланган микрокредит ажратилиб, қўзда тутилган режа ортгани билан бажарилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимиз молия бозорини банк муассасаларининг фаол иштироки билан таъминлаш килиб бўлмайд. Зеро, халқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириш жойларда пул кредит муносабатларини намунали йўлга қўйишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Чиндан ҳам «Ҳамкорбанк»нинг Навоий вилоят ҳудудий филиали фаолиятида тилга олаётган арзидиган ибратли жиҳатлар кўп. Энг муҳими, хизмат кўрсатишнинг янги, замонавий усуллари амалиётга жорий қилиниб, мижозлар билан манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайтирилмоқда. Бу эса белгиланган вазифаларни бекаму қўст амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

ХАБАРЛАР

### МУКОФОТ МУБОРАК, ХУСАН АКА!

Самарқанд санъат коллежининг «Анъанавий ижрочилик» бўлимида ёшларга сабоқ бераётган Хусан Файзуллаев «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. — Мукофотланганими эшитиб, ёшиқда кўрган қийинчиликларим кўз олдимдан ўтди, — дейди Хусан ака Файзуллаев. — Лекин бир нарсадан мамнуманки, устозларимдан олган билимларим ҳаётимда катта таянч ва суянч бўлди. Бугунги бахтининг асоси ҳам балки шундир. Санъатдаги илк сабоғини отам Файзулла Эшмуродовдан олганман. Ўн ёшимдан қашқар рубобини чалишни ўрганга бошладим. Мактабни тугатгач, санъат билим юртининг гижжак синфида таҳсил олдим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари У.Хурсандов, О.Раҳмонов, ўқитувчилардан Ш.Гавраэлов, М.Муҳаммаджоновдан санъат сирларини ўргандим. Кейин консерваториянинг халқ чолғулари факультетига ўқинишга кирдим. Бугун биз, устозлар замонавий шартларда билим бераётганимизни фахр билан тилга оламиз. Айниқса, меҳнатларимиз эътиборга олинигани ҳар қандай кишини руҳлантириши шубҳасиз.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

### ҚЎШ БИНО ҚАД РОСТЛАМОҚДА

«Шўртангазкимё» мажмуаси буюртмасига кўра Нуристон шаҳарчасининг «Кимёгар» маҳалласида иккита тўрт қаватли бино қуриляпти. — Дастлабки тўроқ ишларини 8 май кунини бошлаган эдик, — дейди «Пудина Қувонбек» МЧЖ иш юритувчиси Анвар Сунонов. — 337-уй учун 4727,5 миллион сўмлик қурилиш-жиҳозлаш ва монтаж ишлари бажарилди. 40 та хонадонга мўлжалланган ушбу ўйини йил охиригача фойдаланишга топшириш учун 70 нафар қурувчи астойдил меҳнат қилляпти. Ёна-ён давом этаётган тўрт қаватли яна бир бино қурилишини эса «Қашқадарё маҳсулоти дизайни» бунёдкорлари олиб боришмоқда. Бу ерда ҳам 70 нафар қурувчи янги йил арафасида 80 та оилага қувонч улашиш учун ҳаракат қилаётди.

Рўзимат ЧОРИЕВ.

### «АЁЛЛАР БЕЗАКЛАРИ» 10 МИНГ НУСXAДА ТАЙЁРЛАНДИ

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ матбуот хизмати Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан «Аёллар безаклари» туркумидаги почта маркалари муомаласига чиқарилганини маълум қилди. Хабарда қайд этилишича, блок кўринишида чоп этилган маркаларда Бухоро, Самарқанд ва фарғоналик усталар томонидан ясалган безаклар акс эттирилган бўлиб, уларда минтақавий зарғарлик мактабларининг ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. 37x34 мм. ўлчамдаги 4 та маркани ўз ичига олган 120x110 мм.ли блок офсет усулда, 10 минг алаҳдада чоп этилган.

Ш.ХУҲАЕВ.

## Етти хазинанинг бири

Кичик бизнесга катта эътибор

Сирдарё вилояти бозорларини озиқ-овқат моллари билан таъминлаш, аҳолининг паррандачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга «GULISTON YULDUZ PARRANDA» масъулияти чекланган жамияти ҳам муносиб хисса қўшаёпти.



**Комил МАМАТҚУЛОВ,**  
«GULISTON YULDUZ PARRANDA» МЧЖ директори

Паррандачиликни етти хазинанинг бири, дейдилар. Зеро, бу соҳа бугунги кунда агроеконом тизимдаги энг сердаромад соҳалардан бирига айланди.

Мамлакатимизда ҳам паррандачилик хўжалиқларини ривожлантириш учун тармоққа хорикий инвестициялар фаол жалб этиляпти. Энг муҳими, соҳага замонавий технологиялар олиб кирилмоқда. Ҳозирги кунда республикада қирқдан зиёд паррандачилик фабрикалари ва фермер хўжалиқлари ишлаб турибди.

Уларнинг аксарияти истеъмолчиларга туҳум ва пархез гўшт етказиб бериш билан бирга маҳаллий иқлим шароитига мос келадиган, турли касалликларга чидамли зотдор парранда сонини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Фақат шунгина эмас. Бундан ташқари ҳар бир кишлоқ туманида янги-янги фермер хўжалиқлари ташкил этиляпти. Натижада паррандачилик маҳсулотларининг сифати ошиб, нархи пасаймоқда.

Корхонамиз маҳсулотларининг ички бозорда ўз ўрнини топишида эса ТИФ «Миллий банк»нинг Гулистон бўлими қўмағини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Хусусан, банк 100 мингта товукни парвартиришга мўлжалланган ва саклаш цехга хорикдан юқори



технологияли янги ускуналар мажмуини сотиб олиш учун Хитой Давлат Тараққиёт банкнинг учинчи кредит йўналиши маблағи ҳисобидан бизга 297 500 АҚШ доллари миқдорда кредит берди. Энди биноларда доимий харорат ва намлик сақланиши таъминланаёпти. Паррандалар учун сув ва дон автоматик тарзда берилмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳсулот сифатини ҳам оширяпти. Қолаверса, хўжалигимизда

бройлер товуклар ҳам мавжуд бўлиб, айни пайтда уларнинг сони 51 840 тани ташкил этаёпти. Таъкидлаш жоизки, «GULISTON YULDUZ PARRANDA» МЧЖ маҳсулотлари бозор пештахталарига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Туҳум сотиш ҳажми шу кунларда 6 184 500 донани ташкил этаёпти. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлаб, сотиладиган туҳум ва товук гўштининг умумий

ҳажми қарийб 2 млрд. сўмни ташкил этади. Бу эса Гулистон шаҳри ва тумани ҳамда унга туташ бўлган ҳудудлар бозорини паррандачилик маҳсулотлари билан тўлдириш ҳар йили соф фойда олиш, корхона барқарор ишлашини таъминлаш имконини бериши табиий. Ҳозирги вақтда жамиятда 8 киши меҳнат қилмоқда. Тез орада коллеж битирувчилари учун қўшимча 11 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

АҚШда муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини энди янги дўконларда сотиш кўзда тутиляпти.

# Катта ўйин

**Тахлилчилар XX асрнинг кашфиёти — компьютерларнинг инсон, айниқса, болалар саломатлигига салбий таъсири кейинги ўн йилда ташвишланарли даражада кучайганини таъкидлаптилар**

Гулноза МУҲИДДИНОВА, «XXI asr»

Бир қарашда унчалик эътиборни тортмайдиган компьютер ўйинларини олиб қўрайлик. Болалар, ўсмирлар, хатто катталарнинг ҳам севимли машғулотига айланган ана шу «ўйин»лар кишиларни ўқшдан, ишдан, уйқудан кечинга тайёр бўлган «робот»ларга айлантираётганига шонини қийин, албатта. Аммо мутахассислар айни пайтда «Need for Speed», «Doom», «Assassin's Creed Brotherhood», «Age of Empires» каби машҳур ўйинларга одамлар реал воқелик сифатида қарай бошлаганларини таъкидламоқдалар.

Таънинг икки томони бўлганидек, бундай ўйинларга қизиқишнинг ўзига хос салбий ва ижобий жиҳатлари мавжуд. Шунинг учун ҳам асарият мутахассислар компьютер ўйинлари ёшлар психологиясига салбий таъсир кўрсатишини, улар оқибатида болада фахр-фаросат ва маънавий фикрлан қобилияти секин-аста сўниб боришини очик эътироф этмоқдалар. Энг ёмон, қаҳри-қаттиқлик, таъвоузкорликнинг ривожланиши, фикр тарқоқлиги, тенкурлар билан мулоқотга кириша олмаслик, реал ҳаётдан буткул узоқлик каби ҳолатлар ёшлар характерида яққол намоён бўлади. Қолаверса, бундай қизиқиш боланинг «виртуал касалли»ка чалинишига олиб келади. Компьютер ўйинлари жараёнида ҳаддан ташқари қувват хисси, бу пайтда вақт ҳисобини унутуш, ўйинга киришини имконияти бўлмаса, ҳаддан ташқари асабийлашиш, депрессив ҳолатнинг ривожланиши, атрофдагилар билан мулоқотдан воз кечини, аввал қизиқарли туълган нарсаларга бефарқ бўлиб қолни ҳам оддий ҳолат сифатида баҳоланапти.

«Овир хасталик» дея аталаётган бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, бола руҳиятига раҳна солидаган ўйинлар турини билиш зарур, албатта. Мутахассислар одам ўз виртуал персонажи билан тўлиқ бирлашшини тасово этувчи ўйинлар жуда катта зарар келтиришини аниқлашган. Бундан ташқари ушбу турдаги ўйинлар катта эътиборни ҳам талаб этади. Зеро, улардан чиқиб кетиш жуда мушкул. Отишмалли жанговар ўйинларга келиб қолганлар бора-бора баджаҳл, қаҳри каттиқ одамларга айланадилар.

Ҳақиқатан ҳам бир неча соат давомнда виртуал оламда одам «ўлдириб», бундан ҳаловат топган кишидан қандай яхшилик, зғулик қутини мумкин?

Офтальмолог, невропатолог ва терапевтларнинг маълум қилишларига, компьютер қаршинида тинимсиз ўтирган кишида кўрнин қобилияти пасаяди, семиршига мойиллик пайдо бўлиб, таъғи-ҳаракат тизими издан чиқади.

Хар хил компьютер ўйинлари инсон руҳиятига таъсир ўтказиб, саломатлигини шидан чиқараётгани масала-



нинг бир томони бўлса, кундан-кунга кўпайиб бораётган компьютер ўйинлари сабабли ўлим ҳолатлари кузатилаётгани унинг энг аяғли томони, дея таъкидланапти. Гарчи бундай хабарларга шонини қийин бўлса-да, аммо айни ҳақиқат. Тахлилчилар баъзи ўйинлар одамларни ўлишга ундаётганини ҳам қайд этмоқдалар. Шу тарзда ўлим топганлар ҳақидаги хабарлар кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида тез-тез учрамоқда. Бирок булар компьютер ўйинларини янада машҳурлаштиришга хизмат қилапти, холос. Масала, айни пайтда «Dance Dance Revolution» ўйини натижасида вафот этган кишилар сон кўпайиб бораётгани таъкидланапти. Ана шу жанрдаги ўйин туфайли ҳаётдан кўз юмган биричи инсон, япониялик Аканини Казуя бўлиб, у «Playstation» сотиб олган ва уйда ёлғиз қолганда ўйнай бошлаган. Бу ўйинда ёрқин чироклар кўп, бундан ташқари рақс давомнда юрак уриши тезлашади ва қон босими кўтарилади. Бирок ўйинни тўхтатма олмаган ўсмир бир неча соат давомда рақс тушган ва ҳаво етишмаслигидан вафот этган. Ели ўсмирнинг оила аъзолари гар-

чи уни ишлаб чиққан «Конами» компаниясини судга берган бўлса-да, ҳеч қандай натижага эриша олмади. Чунки ўйин аввалида компания миқозини ана шундай ҳолатлар юз беришидан огоҳлантирган экан.

«World of Warcraft» ўйинлари ҳам одамларни ўлимга етаклаши мумкинлиги қўччиликка аён бўлмоқда. Унга қаттиқ ўрганган киши ақдан озиши ҳеч гап эмас. Бугун чет эллардаги талай шифохоналарда айнан ана шундай «ўйин касаллиги»га чалинганларни даволовчи махсус хоналар ишга тушгани қандай изоҳлаш мумкин?

Ушбу воқеага эътибор беринг: компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари киришиб кетган ўн уч ёшли боланинг ота-онаси бунга чек қўйиш учун уни компьютердан четлаштириди. Шундан кейин ўсмир «Men Азсрот қахрамонларнинг ёнига кетмоқдаман» деган хат қолдириб, ўз жонига қасд қилган. Экспертларнинг фикрича, АҚШда компьютер ўйинлари сабаб, ойига мишдан ортиқ одам ўз жонига қасд қилаётган экан.

2005 йили хитойлик 12 ёшли қизалоқ ҳам бир неча кун давомда «World

Of Warcraft» ўйинидан ажралмай, жисмоний зўриқини туфайли дунёдан кўз юмган.

Жапубий Корсаялик 28 ёшли эрақ, ўйин клубида 50 соат давомда тишимсиз компьютерда «жанг» қилган. Хавотирга тушган дўстлари уни олиб кетмоқчи бўлишганда қаршилик кўрсатган. Бирок кўп ўтмай ҳушидан кетиб, касалхонага етмай вафот этган. Худди шундай ҳолат Тайванда ҳам содир бўлган. Бу ерда 18 ёшли ўсмир 42 соат давомда «Diablo 3» ўйинидан узоқлашолмай касалхонага етмай жони узилган.

Бундай аяғли ҳолатлар оқсан ортда кўпроқ кузатилаётганини қайд этиш лозим. Жумладан, АҚШ фуқароларининг хар йили ана шундай ўйинларга 2,5 миллиард долларга яқин мабла сарфлаётганлари айтимокда. Айни пайтда мамлакатда беш миллиондан ортиқ ашаддий ўйинчи бўлиб, яна 15

**Ҳар хил компьютер ўйинлари инсон руҳиятига таъсир ўтказиб, саломатлигини ишдан чиқараётгани масаланинг бир томони бўлса, кундан-кунга кўпайиб бораётган компьютер ўйинлари сабабли ўлим ҳолатлари кузатилаётгани унинг энг аяғли томони, дея эътироф этилмоқда.**

миллион киши «хавфли гуруҳ»га киритилган. Яқинда мамлакатдаги Эмори университетини олимлари ҳафтага 15 соатдан ортиқ вақтини компьютерда ўтказадиган 632 нафар кишини текширувдан ўтказишди. Натижада уларнинг 40 фоизи сурункали чарқоқдан шикоят қилгани, 21 фоизда эса компьютер қаршида узоқ ўтириш оқибатида келиб чиққан касалликлар пайдо бўлгани маълум бўлди. Бундан-да дахшат-

лиси, онлавий жоқаролар, ажрашларнинг 68 фоизи ҳам айнан эр ёки хотиннинг ҳаддан ташқари компьютерга боғлангани сабабли содир бўлаёттир.

Тахлилчилар Россияда ҳам шундай ҳолат хавфли даражада тус олаётганини таъкидлашапти. Биргила Москвада 37 мингта яқин ўйин автоматлари бўлиб, улар хар ойда юзлаб донага кўпаймоқда. Хар бир метро бекатида ўртача 6-7 та ўйинхонаш учратиш мумкин. Сўнги маълумотларга қараганда, шаҳарда 2 миллиондан ортиқ ўйинга муккасидан кетганлар бўлиб, уларнинг 600 мишдан ортиғи – ашаддий ўйин ишқибози саналади.

Маълумки, бундан бир неча йил аввал танikli руҳшунослардан бири компьютерга тобеликни аниқлайдиган тест сўровнома тузиб, уни ўз сайтида эълон қилган эди. Унинг сўровларига жавоб қайтарган беш юзга яқин кишидан 58 фоизи интернет ва компьютерга тобе эканини баён қилган. Бу ҳам айни пайтда бутун дунёда компьютердан фойдаланувчиларнинг 20 фоизи ушунг кулига айланганлиги, 35 фоизи эса ўйинларга муккасидан кетганлиги тўғрисидаги фикрларини яна бир қарра исботламоқда.

Экспертларнинг таъкидланича, Европанинг асарият мамлакатларида вазият бундан-да мураккаблашаёттир. Италиялик 13 миллион компьютер фойдаланувчисидан 150 мишгаси патологик ишқибоз даражасига етгани ҳам шундан далолат берапти. Энг аччирилиси, ана шу кўрсаткич борган сари ошиб бораёттир. Бунда ёшлар салмони ўсаётганлиги ҳукуматини ҳам хавотирга солмоқда.

Хитойда ҳам аҳвол анча мураккаб экани айтилипти. Маълумки, мамлакат дунёдаги энг йирик, 420 миллион кишидан иборат интернет ҳамжамиятига эга. Уларнинг ярмидан кўпи реал ҳаёт билан бирга, виртуал оламда ҳам яшади, дейиш мумкин. Мамлакат иқтисодчиларининг таъкидланича, компьютер ўйинлари саноати орқали Хитойга хар йили 4 миллиард АҚШ долларига яқин даромад кириб келади. Аммо шу билан бир қаторда тармоқдаги қаллоблик ва ўйинларга патологик тобелик каби салбий оқибатлар бундан-да қимматга тушипти.

Шу бис 2010 йили Хитой ҳукумати он-лайн ўйинлари ҳақида қоиун қабул қилди. У воёга етмаганларни компьютер ўйинлари таъсиридан ҳимоя қилишга, ўйинга қарам бўлиб қолишга қарши қурашнинг йўналтирилган бўлиб, қонунда ахлоққа зид тасвиқлардан фойдаланишини жазолаш, воёга етмаганларнинг ўйинга кириш имкониятларини чеклаш кўзда тутилган.

Маълумки, «ўйиннарсалар»ка чалинган болалар соатлаб монитор олдида ўтириб, шу ернинг ўзида овқатланишади, дарс қилишади, имкони бўлса, шу ерда ухламай туши ўтказдилар. Уларнинг сағри эса афсусли тобора кенгайиб бормоқда. Шу сабабли компьютер ўйинлари педагог, психолог ва руҳшунос мутахассислар билан бирга ота-оналарини ҳам жиғий ташвишга соляпти.

Тўғри, бундай ҳолатда фақат ўйин ўйлаб тоувчиларини айбон хато. Аслида хар бир ўйин замирида салбий жиҳатлар билан бир қаторда кишига ижобий қайфият юктирувчи жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Демак, меъёрни билиб, виртуал ҳаётни реал ҳаётнинг бир қисми сифатида қабул қилиш кераклигини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Шунинг учун ҳам Психологлар компьютер – спорт машғулотлари, кўча сайри, кинофильм томошаси, китоб ўқини, дўстлар билан учрашнини каби хордиқ шаклларидан бири бўлиши керак, деб қайта-қайта таъкидлашапти.

Аммо нима бўлганда ҳам XXI асрда турли-туман глобал муаммолар орасида компьютер ўйинларига муккасидан кетиб, онги заҳарланаётган ёшлар сошининг шиддат билан кўпайиб бораётгани катта умумдунёвий ташвишга айлангани аччиқ ҳақиқат. Ушбу муаммони олдини олиш борасида деярли ҳеч қандай амалий ишга қўл урилмапти. Эҳтимол, кимларгадир бу маласа унчалик тахликали кўрилмаётганлиги, бирок унинг замирида дунё болаларини келажакга ётганлиги ҳеч қимга сир эмас. Чунки келажак давомчилари бўлган ёшларнинг жисмонан соғ, ақдан бутун, маънави баркамол бўлиб улғайишдан барчамиз бирдек манфаатдоримиз.

## ВАҚЕПЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР

### КАРИЯЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ КЕРАК

Швейцариялик сиёсатчи ИвНидеггер камбағал нафақахўрлар Марокашга жўнатиш таклифини билдирди. Парламент депутатининг фикрича, ёши ўтган муҳтож одамларга Швейцариядаги тор квартиралардан кўра, денгиз бўйидаги хусусий уйларга, хизматчи ёллаб қарилик гаштини суриш давлатга ҳам, уларга ҳам бирдек фойдалидир. Маълумки, Марокаш иқлими Швейцарияникидан мўътадилроқ, нарх-наво ҳам ер билан осмонча фарқ қилади. Демак, Швейцария ҳукуматидан нафақа олувчилар Марокашда яшасалар, камчилик нималигини билмайдилар.

Нидеггер нафақахўрлар шаҳарчасини барпо этиш учун мамлакат жанубидаги Тан Тан худуди қулай эканини таъкидламоқда. Агар депутат ташаббуси амалга ошса, тиббий ёрдам ва уй-жой харажатлари қисқариши ҳисобига Швейцария бюджетини ҳам бойийди. Шу билан бирга Марокашда янги иш ўринлари барпо этилади. Чунки швейцариялик қарияларга хизмат кўрсатиш учун анча кўп ходимлар керак.

Бирок нафақахўрларнинг қўччилиги бу ташаббусни маъқулламапти. Ўтказилган сўровлардан маълум бўлишича, уларнинг атиги тўққиз фоизи Марокашга кўчиб ўтишга рози, холос. Бошқа мутахассислар ҳам маъмур ташаббусини кескин қораламоқдалар. Марокашда ижтимоий шарт-шароит Швейцариядан кўра арзонлигига қарамай, сифати ҳам пушга яраша бўлади, деб таъкидлашапти экспертлар.

### ГЛОБАЛ ИСИШ ҚАЙТАЛАНДИМИ?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус комиссияси аъзолари глобал исини асосан инсон фаолияти сабаб эканини маълум қилдилар.

Яқинда 195 та давлат сўровига жавобан 12 нафар тадқиқотчи олимдан иборат Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи изланиш натижасини тақдим этди. Ишчи гуруҳи раиси Пин Дакенинг таъкидланича, гарчи глобал исини жараёни сўнги ўн беш йилда тўхтаган бўлса-да, хурсанд бўлишга ҳали эрта. Саноат ривожланиши натижасида атмосферага катта миқдорда чиқётган буғ, газ қоришмалари туфайли тупроқ, ҳаво ва океанда ҳароратнинг кўтарилиши яна тақрорлангани мумкин. Бу эса ўз навбатида, муз ва қор қопламларини эритиб, денгиз сатҳининг кўтарилишига олиб келади.



### АРЗОН ШОКОЛАДГА КЕП ҚОЛИНГ!

Бостондаги Трейдлер Жоз супермаркет тармоғи 2014 йил бошида фойдаланиш муддати ўтган маҳсулотларни сотадиган дўконлар очишни режалаштирипти. Маълумки, АҚШ супермаркетларида озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи муддати ўтган, ташлаб юборилади. Савдо тармоғи раҳбарининг фикрича, муддати ўтган маҳсулотлар саломатликка хавф солмайди. Уларнинг мазаси бизилди, холос. Олдий дўконлар муддати ўтган шоколад, туҳум, йогурт, суг каби маҳсулотларини ташлаб юборишга мажбур. АҚШда муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини энди янги дўконларда сотиш кўзда тутиляпти.

### ШАНХАЙДА ТАДБИРКОР ХАЙ-ХАЙЛАБ ЮРМАЙДИ

Хитойда яна бир янги эркин савдо худуди ишга тушаётгани маълум қилинмоқда. Тахлилчиларнинг фикрича, Шанхай эркин савдо худуди молия ва бозор соҳаларидаги ислохотларни синовдан ўтказиш майдонига ҳам айланади. Бу ерда бизнес субъектлари 10 йил муддатта солиқлардан озод этилади. Интернетга уланиш эркин бўлиб, ҳукумат томонидан тармоқ мониторинги ўчирилади. Қарийб 29 квадрат километр майдонни эгаллаган эркин савдо худудининг маркази Яншаь порти бўлади. Бу ерда чет эл компаниялари учун кенг имкониятлар яратилиб, сармоя киритиши учун имтиёзли тартиб ўрнатилади ва инновацион лойиҳалар инкубатори барпо этилади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси O'zLiDeP шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Дилноза Абдуллажоновага волида муҳтарамаси **ҲАБИБА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ишор этади.

«БАА-2013»

баҳсларига киришадиган вакилларимиз 18 октябрь куни Панама ўсмирлари билан беллашадилар.



Солих ЗОИР олган сурат

Реклама

**LADA БИЗНЕС**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.**

**ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.**

**ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.**

**ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.**

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Хазрати имом даҳасида истиқомат қилувчи Бурҳон Аҳмеджанов 2004-2008 йилларда Тошкент давлат иқтисодий университетини муваффақиятли битириб, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Бозор иқтисодиёти ва тамойиллари факультетида таҳсил олди. Бурҳон ака 2002 йилдан «DICOM SERVIS» масъуляти чекланган жамияти хусусий фирмасининг раҳбари, таниқли талбиркорлардан биридир. У айни пайтда O'zLiDeP Мирзо Улугбек туман кенгаши раиси сифатида ҳам кенг кўламли фаолият юритмоқда. Шу билан бирга ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига сайланган. Турмуш ўртоғи Наргизахон билан биргаликда 3 нафар шириндан-шакар фарзандларни тарбиялашмоқда.

Реклама

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар «ТОГЛАР» МЧЖнинг Тошкентдаги умборхонасида мавжуд

- Зиснаватор-поғрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер поғрузчик БЛ-750
- Зиснаватор-поғрузчик ценной ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Заспаныя части к тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей

Махсусот сертификатланган

Т.: (+99871) 252-16-29, 255-09-55.  
e-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

Мавсум якунидаги энг муҳим баҳслар

Куз фаслининг иккинчи ойи футбол бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган учта терма жамоа учун синовлар даврига айланадиган бўлди

Шухрат ХҲЖАЕВ, «XXI asr»



1995 йил ва ундан кейин туғилган навқирон авлод вакилларида иборат Ўзбекистон ёшлар (U-19) терма жамоаси Катарда давом этаётган 2014 йилги Осиё чемпионати саралаш беллашувларида қатнашаётган бўлса, Миржалол Қосимов мурабийлигидаги миллий терма жамоамиз 2015 йилги Осиё кубогининг квалификация баҳслари доирасида 15 октябрь куни вьетнамлик футболчиларга қарши майдонга тушади. Ниҳоят, энди 17 ёшнинг қаршилайдиган ўсмирларимиз 17 октябрь-8 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қиладиган кичик жаҳон чемпионатида иштирок этиб, соврилли ўринларни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар.

Таъкидлаш жоиз, Алексей Евстафеев устозлик қиладиган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учун саралаш баҳслари омадли келди: аввал Туркманистон терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган футболчиларимиз 8 октябрь куни Непал термасига қарши ўтказилган ўйинда рақибларини 5:0 ҳисобда до-

мақсад қилган чарм тўп усталари Вьетнам термасига қарши ўйинга жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар. Сешанба куни «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтадиган ўйин соат 18:00 да бошланади.

Ропна-роса бир ҳафтадан кейин аса БААда старт оладиган ўсмирлар ўртасидаги XV жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ўтган йили Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида бош совринни қўлга киритган Дилнод Нуралиев жамоаси ҳимоя қиладди.

Мазкур мусобақага пухта тайёрлик кўрган ўсмирларимиз ўтган hafta Испанияда ташкил этилган халқаро турнирда Кот д'Ивуар (0:0), Мексика (0:2) ва Аргентинадан (0:3) келган тенгдошлари билан ўйинларда кайд этилган натижалар, йўл қўйилган хатолардан тегишли хулосалар чиқарганларини айтиб ўтиш даркор.

Эслатиб ўтамиз, «БАА-2013» баҳсларига киришадиган вакилларимиз 18 октябрь куни Панама ўсмирлари билан беллашадилар. 21 ва 24 октябрь кунлари аса улар Марокаш ва Хорватия термаларида қарши тўп суришади.

ХАБАРЛАР



НОРИН ХАМ ГИННЕСГА КИРАДИ ЧОҒИ...

Москва шаҳридаги «Қозон» чойхонасида ўзбекистонлик таниқли ошпаз, миллий таомларимиз ҳақидаги бир қатор китоблар муаллифи, Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси фахрий аъзоси Х.Ғаниев бошчилигида «Гиннестинг рекордлар китоби»га кирадиган даражада кўп миқдорда норин тайёрланди. Эътиборлиси, таомни тайёрлаш, яъни хаамири ва гўштини тўғраш жараёнида россиялик бир гуруҳ сиёсатчилар, ишбилармонлар, маданият ва спорт намоянадалари, шунингдек, гўзаллик тағлоқлари, фазогирлар иштирок этишган. Маълумотларга кўра, 60 ми ва гўшти тахминан 40 га 40 фоз мутаносибликда пиширилган норин «Иггерекорд» халқаро агентлик вакиллари томонидан ўлчанганда, унинг оғирлиги 500 кило-ю 300 грамми ташкил этган.



БЎЁҚ — ПАШША КУШАНДАСИ

Пашшалар деворга илинган турли расмларни «беша»га ишқибозлигини, бундан санъат асарлари ҳаминша озор топишни биламиз. Шундан безор бўлган франциялик олимлар яқинда одамга зиён етказмайди, аммо ҳашарот учун қирғин келтирадиган буюқ ўйлаб топишди. Рангсиз локни эслатувчи мазкур буюқ расмга суртилганда унинг кўриниши ўзгармайди. Аммо расмга кўнган пашша 15 соғия ўтар-ўтмай нобуд бўлади.

ШАКАРДАН... МЕБЕЛЬ

Бельгиялик мутахассислар тирик бактериялар, аникрофи, вино ва нон тайёрлашда ишлатиладиган ачиқчи ва хамиртуруш ёрдамида мебеласозлик ҳамда энгил саноат соҳасида кенг қўлланилиши мумкин бўлган ноёб хом ашё олиш технологиясини яратдилар. Айтишларича, Яннис Уэлсан исмли дизайнер билан «Jenopolymers» компанияси олиб борган талқикотта «Хупиш» деган ном берилган. Унга кўра, юққа чармини эслатувчи бактериал целлюлоза 100 фоз табиий усулда — шакарни ачитиш орқали олинади. Мутахассисларнинг фикрича, йиллар ўтиб яроқсиз ҳолга келган, тўлиқ парчаланмаган, яъни атроф-муҳитга зарар етказмайдиган бу пишиқ материал одамларда аллергия қўзғатадиди. Зарур пайтда у яна қайта ишланиши ҳам мумкин.

**Автомобили УАЗ**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**УАЗ Patriot (comfort) — пикап**

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

**«NAVOIYAZOT»**  
OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

карбамид-формалдегидли КФЖ, КФ-МТ-15, КС-11 турдаги смолаларни сотувга таклиф этади

КФЖ ва КФ-МТ-15 фанер ишлаб чиқаришда, мебель қисмларини елимлашда, курилиш-дурадгорлик махсулотларида, металл қуйиш қолипларини тайёрлашда, ерни мустаҳкамлашда, прессматериаллар, қатламли пластиклар, пенопластлар, елимлар, копламалар, газламаларни тайёрлашда ва қоғоз ишлаб чиқаришда қўлланилади. КС-11 минерал ваталардан изоляция плиталар тайёрлашда ишлатилади.

МАХСУЛОТ ХАРИДОРНИНГ ИДИШЛАРИДА ҚАДОҚЛанаДИ

[www.navoiyazot.uz](http://www.navoiyazot.uz)

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5, Факс: (+99879) 223-75-80. Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99, e-mail: market@navoiyazot.uz

СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-23-04, 229-21-68, e-mail: sale@navoiyazot.uz

Махсусот сертификатланган